# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 8 ноябрь, № 216 (5383) Сешанба


## Ўзбекистон — Венгрия:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт 6 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**



Ташрифнинг асосий тадбирлари 7 ноябрь куни Кўксаройда Венгрия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Маросимда икки давлат расмий делегациялари аъзолари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Пал Шмитт шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки томонлама музокаралар Ислом Каримов ва Пал Шмиттнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Венгрия Президентларининг ушбу учрашуви 2010 йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити доирасида бўлган самарали музокараларининг мантиқий давоми экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим босқич, бугунги тез ўзгарувчан замон шароитида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланган кенг кўламли ҳамкорлик ва шериклик ривожига амалий суръат бахш этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш тарафдоридир. Бунинг учун катта салоҳият мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиёда, Венгрия Марказий Европада стратегик муҳим ўринга эга.

Мамлакатимиз Венгрия билан муносабатларни, шунингдек, Европа Иттифоқи доирасида янада ривожлантиришдан манфаатдор, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича Стратегиясини амалга ошириш борасидаги кўп томонлама ишларни давом эттиришга тайёрдир.

Президент Пал Шмитт Венгрия Ўзбекистонни Ўрта Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкор деб билишини ва унинг дунё сиёсатида ортиб бораётган ролини юксак эътироф этишини таъкидлади.

Ўзаро дўстлик муносабатлари узоқ асрларга бориб тақалувчи ўзбек ва венгер халқлари ўзининг бой тарихи, ноёб маънавий-маданий мероси, ўз юрти ва жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодлари билан ҳақли равишда фахрланади. Бу омиллар давлатларимиз ўртасидаги анъанавий ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ислом Каримов ва Пал Шмиттнинг очиқ ва конструктив руҳда ўтган мулоқоти чоғида Ўзбекистон — Венгрия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларига доир кенг кўламли масалалар атрофлича муҳокама қилинди, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича томонларнинг қарашлари яқин ёки ўхшаш экани таъкидланди.

Хусусан, Афғонистондаги можаронинг кескинлашиши ва кенгайиши томонларни бирдек жиддий ташвишга солаётгани қайд этилди. Бугунги кунда Афғонистонда кечаётган воқеалар афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини аниқ намоён этаётганлиги таъкидланди. Фақат қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро муроса ва келишувга эришиш, бу жараёнга афғонларнинг ўзини жалб этиш йўли билангина мазкур мураккаб вазиятдан чиқиш мумкин.

Венгрия Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатни иқтисодий тиклаш борасидаги ташаббуслари ва амалий саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Президентларнинг ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган мулоқоти икки мамлакат расмий делегациялари аъзоларининг иштирокида — кенгайтирилган таркибда давом этди.

Унда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, бунинг натижасида ҳар икки давлат иқтисодиётининг салоҳияти ошаётгани мазкур йўналишдаги алоқаларни кенгайтиришда катта имкониятлар яратмоқда. Шу ўринда мамлакатларимиз иқтисодиёти ўзаро бир-бирини тўлдиришини таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда сўз борар экан, Президент Пал Шмиттнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давомида унга Венгрия иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги етакчи компаниялар раҳбарларидан иборат катта делегация ҳамроҳлик қилаётгани, бу ҳар икки томоннинг ҳам ушбу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолат бериши таъкидланди. Жумладан, Венгрия ишбилармонлари орасида озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқлари, энергия тежовчи технологиялар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳалари, банк-молия сектори, логистика, сайёҳлик, инжиниринг тузилмалари вакиллари бор.

Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ривожланиб бораётгани, хорижлик инвесторлар учун яратилган кенг имтиёз ва преференциялар мамлакатимиз кимё ва фармацевтика саноати, тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси сингари устувор йўналишлар учун Венгрия инвестицияларини янада кўпроқ жалб этишда муҳим асос бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир қатор Венгрия компанияларининг ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган, ушбу давлат капитали иштирокидаги кўплаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Мулоқотда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми хусусида сўз борар экан, 2010 йил якунлари бўйича бу борадаги ўсиш 37 фоиздан зиёдни ташкил этгани таъкидланди. Шу билан бирга, ўзаро савдо ҳажми икки давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари даражасида эмаслиги, мавжуд захиралардан самарали фойдаланиш ҳамда савдо номенклатурасини кенгайтириш ҳисобига уни тубдан кўпайтириш мумкинлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Венгрияда талаб юқори бўлган пахта толасидан тайёрланган матолар, ип, тайёр тўқимачилик ва кабель-ўтказгич маҳсулотлари, нодир ва рангли металлар, кимё саноати товарлари ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотларни узлуксиз етказиб бериши мумкин.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикасининг Қўшма баёноти имзоланди. Унда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан буён кенгайиб бораётгани ва ҳар икки томоннинг узоқ муддатли миллий манфаатларига хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилган. Давлатларимизнинг кўплаб йўналишлардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ўзаро фикр алмашиш ҳамда алоқаларни янада фаоллаштириш орқали ўзаро муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга бўлган муштарак интилиши ифода этилган.

Шунингдек, ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, тегишли давлат органлари ва компаниялар вакилларидан таркиб топадиган ҳамда ўз фаолияти билан Ўзбекистон ва Венгриянинг савдо ва сармоявий ҳамкорлигининг барча соҳаларини қамраб олувчи Ҳукуматлараро комиссия ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ва Венгрия ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги протокол бевосита алоқаларни ва дипломатлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Нефть-газ тармоғи, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, метрология бўйича ҳамкорлик, савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзолангани икки томон учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиздир.

Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Венгрия раҳбари Пал Шмитт билан музокаралар конструктивизм ва очиқлик, ўзаро ишонч руҳида ўтганини, уларнинг натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши ва ривожланишига, Ўзбекистон ва Венгрия халқларининг дўстлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади.

Олий даражадаги ушбу ташриф келгусида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг алоқаларини фаоллаштиришда муҳим омил бўлади.

Пал Шмитт икки томонлама музокаралар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлганини таъкидлади. Венгрия Президенти учрашув чоғида давлатимиз раҳбари тимсолида бутун ўзбек халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этиш имконига эга бўлганини, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида улкан ютуқларга эришаётганини алоҳида қайд этди. Пал Шмитт, шунингдек, Президент Ислом Каримов Венгрияга ташрифга оид таклифни қабул қилганидан мамнун эканини изҳор этди.

Куннинг иккинчи ярмида Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт Мустақиллик майдонига ташриф буюрди ва ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Пал Шмитт Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ўзбекистоннинг бош майдони мамлакатимизнинг буюк тарихи ва 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришган улкан марраларига мос ҳолда улуғвор қиёфа касб этгани таъкидланди.

Венгрия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб, мамлакатимиз парламенти қуйи палатаси фаолияти билан танишди. Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашувда олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этишда ва умуман мамлакатимизда қонунчиликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутувчи қуйи палата фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шу куни Пал Шмитт пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди ва музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмиттнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти
**Барак ОБАМА**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
**Шайх Халифа бин Зоид ОЛ НАҲАЁН**;

Иордания Подшоҳи
**Абдуллоҳ Иккинчи бин АЛ-ҲУСАЙН**;

Марокаш Подшоҳи **МУҲАММАД VI**;

Туркманистон Президенти
**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ**;

Озарбойжон Республикаси Президенти
**Илҳом АЛИЕВ**;

Тожикистон Республикаси Президенти
**Имомали РАҲМОН**;

Малайзия Бош вазири
**Датук Сери Моҳд Ножиб Тун АБДУЛ РАЗЗОҚ**;

Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси,
Фаластин миллий маъмурияти раиси **Маҳмуд АББОС**;

Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби
**Ҳиллари КЛИНТОН**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
**Шайх Муҳаммад бин Рошид ОЛ МАКТУМ**;

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби
**Акмалиддин ЭҲСОНЎҒЛИ**;

Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси
**Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур ПОШАЗОДА**
ўз табрикларини йўллаганлар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмиттнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 7 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Венгрия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, кимё, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, электротехника ҳамда сайёҳлик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш. Тўлаганов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. 2010 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши 37 фоизни ташкил қилди.

— Венгрия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор билан қарайди, — деди Венгрия Республикасининг иқтисодиёт вазири ўринбосари Роза Надь хоним. — Бизнес-форум доирасида кўплаб соҳаларга оид қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу эса Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кенг имкониятлар очади.

Форумда венгриялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг муҳим йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш борасидаги ўзгаришлар, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулайлик, имконият ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди.

Форумда Ўзбекистон ва Венгриянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга, Венгрия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Венгрия Республикасининг «VIKUV», «Genex», «Aquaprofit», «Agro-Chemie», «Hevesgep», «CEH», «SUNWO», «Evopro», «MOL» каби қатор йирик фирма ва компаниялари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум доирасида икки мамлакат ўртасида савдо-саноат, сармоя, банк-молия, энергетика, тиббиёт, фармацевтика, озиқ-овқат, кимё ва сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид қатор битимлар имзоланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
## Ш. М. Ғаниевни Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Шуҳрат Мадаминович Ғаниев** Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 7 ноябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
## Ҳ. Х. Нематовни Фарғона вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Ҳамиджон Холиқович Нематов** Фарғона вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 7 ноябрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларини, 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш дастурининг амалга оширилиши жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичларини жадал ва мувозанатли ривожлантириш имконини берди.***

## I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2011 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,2 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 6,8 фоиз, инвестициялар ҳажмини 8 фоиз, қурилиш ишларини 8,1 фоиз, чакана савдо айланмасини 16,2 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни 14,2 фоизга ошириш ҳисобидан иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари таъминланди. Экспорт ҳажми 21,4 фоизга кўпайди, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 3,8 миллиард долларидан ошди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан бажарилди.

**2011 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

*(2010 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 108,2 |
| Саноат маҳсулотлари | 107,0 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 111,4 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | 106,8 |
| Чакана савдо айланмаси | 116,2 |
| Пуллик хизматлар | 114,2 |
| Экспорт | 121,4 |

## II. Таркибий ўзгартиришлар ва юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурнинг амалга оширилиши шу йилнинг тўққиз ойида кимё ва нефть кимёси (111,9 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (111,8 фоиз), қурилиш материаллари (109 фоиз), тиббиёт (131,3 фоиз) ва озиқ-овқат (114,7 фоиз) саноати каби соҳаларни жадал ривожлантириш имконини берди.

Ҳисобот даврида "Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон" қўшма корхонасида автомобиль двигателларини, "Зенит электроникс" қўшма корхонасида энергия тежовчи лампалар, "Самсунг" русумидаги кир ювиш машиналари, "НЕО Санлайт" қўшма корхонасида маиший газ плиталари, совутгичлар, "Рав Экспресс" (Тошкент шаҳри) масъулияти чекланган жамиятида маиший электр техника учун тозалагич мис трубкалар, "Вайт Мэшин Текноложи" (Нукус шаҳри) қўшма корхонасида маиший электр чангютгичлар, "Автосаноатпласт" (Чуст шаҳри) масъулияти чекланган жамиятида автомобиллар учун инжекцион қуйиш услуби ёрдамида пластик деталлар, автомобиллар учун резина зичлагичлар (Андижон шаҳри), "Ўзкабель" очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасида ва "Андижон кабель" қўшма корхонасида янги турдаги кабель-ўтказгич маҳсулотлар, "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятида электр узатмалар учун кўп функцияли энергия тежовчи қурилмалар, "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамиятида янги ва замонавий қишлоқ хўжалик техникаси, "Ўз-Тексако" қўшма корхонасида синтетик мотор мойлари, автомобиль симлари, диодли ёруғлик лампалари, косметика маҳсулотлари, гигиена воситалари ("Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси) ва бошқа қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги юқори технологик қувватлар ишга туширилди.

Кучланиш трансформаторлари, компрессорлар, аккумуляторлар, юқори вольтли электр аппаратуралари, кабель-ўтказгич маҳсулотлар, калий ўғитлари, дори-дармонлар ва бошқа юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Бу эса саноатда унинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёни чуқурлашганидан далолатдир.

Рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтиришга доир амалга оширилган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг январь — сентябрида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 11,4, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,2 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ўсди.

Енгил автомобиллар (3,2 фоизга), болалар велосипедлари (1,6 баробар), пайпоқ буюмлари (1,9 баробар), доривор воситалар (1,6 баробар), ўқувчилар дафтарлари (2,6 баробар), ун (28,4 фоиз), ёрма (3,5 баробар), маргарин маҳсулотлари (1,7 баробар) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар, хом ашё ва материаллар харид қилиш учун 1194 миллиард сўм, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 590,2 миллиард сўм (ўсиш 1,4 баробар) ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун 603,8 миллиард сўм (1,7 баробар) миқдорида кредитлар ажратилди.

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастурлари доирасида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш бўйича 740 лойиҳа (ушбу давр прогнозига кўра 107,6 фоиз), жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 399 лойиҳа (105,6 фоиз) ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 341 лойиҳа (108,6 фоиз) амалга оширилди.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 2011 — 2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури доирасида 1052 лойиҳа амалга оширилди ва улар бўйича 5052,4 миллиард сўмлик ёки 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 19,8 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 3 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, шу жумладан, экспорт қилинадиган маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, анъанавий сотиш бозорларидаги позицияларни мустаҳкамлаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга доир кўрилган фаол чора-тадбирлар натижасида товар ва хизматлар экспорти 21,4 фоизга ўсди.

Экспорт қилинадиган асосий гуруҳ товарлари нуқтаи назаридан озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти (167,7 фоиз), кимё товарлари (138,7 фоиз), қора ва рангли металлар (134,2 фоиз), машина ва ускуналар (162,6 фоиз), хизматлар экспорти (130,3 фоиз) юқори суръатда ўсди. Натрий селитраси, полиакриламид, юк автомобиллари, жез прокат, композит панеллар, гипсокартон буюмлар, тез музлатилган маҳсулотлар ва бошқа янги турдаги товарлар экспорт қилинди.

2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурнинг амалга оширилиши ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришилиши ҳисобот даврида банк тизими жами капиталини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30,9 фоиз, мижозларнинг жалб қилинган банклардаги депозитларини 48,5 фоиз, кредит ташкилотларида аҳоли маблағларини 1,5 баробар кўпайтириш имконини берди. 2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридаги муддатли ва жамғарма омонатлари улуши 87,3 фоизни ташкил қилди ва бу банклар жами активларини 33,5 фоизга ошириш имконини берди. Банклар ресурс базасининг оширилиши уларнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратиш имкониятини кенгайтирди: банкларнинг реал секторга йўналтирилган капитал қўйилмалари қолдиқлари 35,6 фоизга ўсди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун жорий йил тўққиз ойида тижорат банклари томонидан жами 3,2 триллион сўмлик ёки 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 34 фоиз кўп кредит ажратилди. Тижорат банклари экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида айланма капитални тўлдириш учун 258,3 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратди.

## III. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш

2011 йилнинг тўққиз ойида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 12215,9 миллиард сўмни ташкил қилди ва қиёсий нархларда 8 фоизга ошди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 46,1 фоиз, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари ҳисобидан 1,8 баробар, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 45,5 фоиз, аҳоли маблағлари ҳисобидан 27,8 фоизга ўсди.

2011 йилнинг январь — сентябрь ойларида республика бўйича 828 та ишлаб чиқариш объекти, жумладан, озиқ-овқат саноатида 279, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 234, енгил саноатда 201, ёғочни қайта ишлаш саноатида 36, машинасозлик саноатида 12, кимё саноатида 8, фармацевтика саноатида 3 ва бошқа тармоқларда 55 та объект фойдаланишга топширилди.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида ишга туширилган корхоналар томонидан жорий йилнинг 9 ойида умумий қиймати 23,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2008 — 2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10530,2 километр хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида жами 59 миллиард сўмдан ортиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 585,6 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларида, 9 та мелиорация насос станцияси, 627 та мелиорация қудуғи ва бошқа мелиорация объектларида тиклаш ишлари бажарилди. Натижада қарийб 1 миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 350 минг гектар майдонда сизот сувлар сатҳи пасайтирилди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янада янгилаш мақсадида 2011 йилнинг тўққиз ойи мобайнида 164,1 гектар майдонда 416 та иссиқхона ташкил этилди, 14,6 минг гектар майдонга янги мевали дарахтлар экилди, шу жумладан, 2,5 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 5,3 минг гектар майдонда узумзорлар барпо этилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 45,9 минг тонна сиғимга эга 38 та янги музлатиш камераси ташкил этилди, 10,5 минг тонна сиғимга эга 17 та музлатиш камераси модернизация қилинди.

Шу йилнинг тўққиз ойида 4871,5 минг тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 111 фоиз), 1370,4 минг тонна картошка (110,6 фоиз), 933,4 минг тонна полиз маҳсулотлари (109 фоиз), 1256,5 минг тонна мева (110,3 фоиз), 723,2 минг тонна узум (112 фоиз) етиштирилди. Жами 550,7 минг тонна мева-сабзавот (131,6 фоиз) экспорт қилинди.

Жорий йил бошидан буён 12,7 минг бош қорамолга мўлжалланган 408 чорвачилик хўжалиги, 2,5 миллионта парранда боқиш учун мўлжалланган 608 паррандачилик хўжалиги, 2379 гектар сунъий ҳавзаларда 624 балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан қиймати 48,8 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилнинг тўққиз ойида қорамоллар умумий сони 9428,2 минг бошга етди ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6 фоизга кўпайди, 1132,8 минг тонна гўшт (6,9 фоиз), 4910,4 минг тонна сут (7,2 фоиз), 2562,6 миллион дона тухум (13 фоиз) тайёрланди.

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 124, жумладан, гўштни қайта ишлаш бўйича 39 (йилига 7 минг тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга), сутни қайта ишлайдиган 58 (25,1) ва мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган 27 (8,8) корхона, шунингдек, сут қабул қиладиган 56 сервис пункти ташкил қилинди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг жорий этилиши кўрсатилган хизматлар ҳажмини 12,9 фоизга ошириш имконини берди. Хусусан, мобиль алоқа, интернет-алоқадан фойдаланувчи абонентлар сонининг кўпайиши, шунингдек, АТСларни рақамлаштириш даражасининг ошиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 41,6 фоизга ўсди. Микро ва истеъмол кредитларини ривожлантириш, тўлов тизимини такомиллаштириш, шунингдек, молия инфратузилмаси институтларини ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар молия хизматлари ҳажмини 23,5 фоизга ошириш имконини берди. 4 мингдан зиёд янги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхонасининг ташкил этилгани тегишли хизматларни 18,9 фоизга кўпайтиришга ёрдам берди. Техника, автомобилларни таъмирлаш бўйича сервис пунктларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, газ баллонларини ўрнатиш хизматларининг кенгайтирилиши автомобиль ҳамда бошқа техникани таъмирлаш хизматларини 19,2 фоизга оширишни таъминлади. 1657 маиший хизмат кўрсатиш объектининг ташкил этилиши эса маиший хизматлар кўрсатишни 19 фоизга ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда ҳам кўрсатилаётган хизматлар ҳажми жадал суръатда ошмоқда. 2551 чакана савдо объекти, 300 умумий овқатланиш объекти ва маиший хизматлар кўрсатиш бўйича 1363 корхонанинг ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда қарийб 145,2 мингта иш ўрни ташкил этилди.

## IV. Инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш

2011 йилнинг тўққиз ойида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий автомагистрали участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 234,8 километр автомобиль йўлини асфальт-бетон билан қоплаш ишлари бажарилди. Шундан А-380 "Ғузор — Нукус — Қўнғирот — Бейнов" автойўлининг 77,5 километри ва А-373 "Тошкент — Ўш" автойўлининг 46,4 километрида ишлар якунланди. Узунлиги 69 погонметр иккита, жумладан, Қашқадарё вилоятида 2 километрлик 4Р87 "Ғузор — Чим — Кўкдала" автойўли ва Тошкент вилоятида 109 километрлик "Гулистон — Оҳангарон" автойўлида йўл ўтказгич фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида инфратузилма ва сервисни ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ, ҳисобот даврида йўл ёқасида 34 та инфратузилма ва сервис объекти ишга туширилди.

2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастурининг ижроси доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида умумий қиймати жами 176,4 миллион долларга тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, 54 километрлик темир йўл тикланди, 192 юк ва 7 йўловчи ташиш вагони тайёрланди.

Ҳисобот даврида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси самолётларида 1,6 миллион нафар йўловчи ташилди ва бу кўрсаткич 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 11,6 фоизга ошди. "Навоий" интермодал логистика маркази орқали 37,8 минг тонна юк ташилди. "Ангрен логистика маркази" ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан "Қамчиқ" довони орқали Фарғона водийси йўналишида амалга оширилган юк ташиш ҳажми 4,2 миллион тоннани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,34 баравар кўпдир.

2011 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш Дастури доирасида жорий йил бошидан буён қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида майдони 875,1 минг квадрат метрлик 5966 та якка тартибдаги турар-жойлар қурилди. Уй-жой қурилиши моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида маҳаллий хом ашё ресурслари ва компонентларидан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 226 та янги корхона ишга туширилди. Деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 125,5 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 40 та ғишт ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди, пишиқ ғишт тайёрлаш бўйича 28 та объект модернизация қилинди.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кўрилган қўшимча чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи давомида республика бўйича барча манбалар ҳисобидан жами 7400,7 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 5776 минг квадрат метр тураржой фойдаланишга топширилди. 2194,2 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 1934 километр сув тармоқлари ишга туширилди.

## V. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш

Жорий йилнинг 9 ойида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлик субъектларини текширишларни қисқартириш, рўйхатга олиш ва уларнинг электр тармоқларига уланиш тартибини соддалаштириш, давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш, давлат божи ставкаларини камайтириш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун ишлатилмаётган давлат мулки объектлари ва ер майдонларини ажратишга қаратилган 20 дан ортиқ қарори қабул қилинди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 3,1 триллион сўмдан, шу жумладан, микрокредитлар ҳажми 613,3 миллиард сўмдан ошди ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўпайди. Хусусан, олис ва ортиқча меҳнат талаб қиладиган ҳудудлар тадбиркорларига 20,9 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун 20,3 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 251,9 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектлари томонидан биржа савдоларида қиймати 2111 миллиард сўмлик шартномалар тузилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўп бўлиб, биржа айланмаси умумий ҳажмининг 56 фоизини ташкил этди. Улар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун биржа савдолари орқали қиймати 1659,3 миллиард сўмлик товар харид қилди (ўсиш 21,8 фоиз) ва 451,7 миллиард сўмлик (1,9 баробар кўп) ўзи ишлаб чиқарган товарларни сотди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига объектларни сотиш ва ижарага бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида умумий қиймати 80,3 миллиард сўм ва 67,9 миллион долларга тенг 76 та давлат активи сотилди, давлат мулкининг 13 минг 820 та бўш ётган объекти ижарага берилди.

Умуман, республика бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида 33 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,5 фоиз (2010 йилнинг 9 ойида 48,5 фоиз), саноатда — 20,7 фоиз (18,7 фоиз), экспортда — 16,2 фоиз (12,3 фоиз), бандликда — 74,2 фоизни (73,6 фоиз) ташкил этди. Кичик бизнесда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 126,5 фоизни ташкил этди ва бу саноат бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

## VI. Бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш муаммосининг изчил ҳал этилиши

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида ҳудудий дастурларга мувофиқ 815,4 мингта иш ўрни яратилди, уларнинг 512,4 мингтаси (жами миқдордан 62,8 фоиз) қишлоқ жойларга тўғри келди. Иш жойларининг аксарият қисми — 519,7 мингтаси (63,7 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, жумладан, 226,6 мингдан ортиғи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил этилди.

Касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши ҳисобидан 191,9 мингта, шу жумладан, корхоналар билан кооперация асосида — 55,8 мингта, пудрат шартномалари ва оилавий бизнес асосида — 136,1 мингта иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида ўртача ойлик иш ҳақи ва пенсияларнинг барқарор ўсиш даражаси сақлаб қолинди ва 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан тегишли равишда 28,5 ва 22,7 фоизга ошди.

Ўтган давр мобайнида таълим муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. 7,7 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 38 та янги умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди, 38,2 минг ўқувчига мўлжалланган 119 мактаб реконструкция қилинди, 137 та мактаб капитал таъмирланди, 2,1 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 2 та академик лицей, 2 та тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати, 1,8 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 12 та касб-ҳунар коллежи барпо этилди ва реконструкция қилинди, 26 та ўрта махсус таълим муассасаси капитал таъмирланди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан парламент палаталарининг 2010 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисида белгилаб берилган демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича танланган ўз моделимиз билан уйғунликда ва изчил амалга оширилиши 2011 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада модернизация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини узлуксиз юксалтиришни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш яқин истиқболда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси**

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг

СУЮЛТ. ГАЗ 2254,4 ▲ +150,6 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 229,3 ▼ -15,7 | УН биринчи нав 625,5 ▼ -24,5 | ОМИХТА ЕМ 361,8 ▼ -16,4

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сиз ва Сиз орқали барча юртдошларимизни улуғ айём — Қурбон ҳайити билан муқаддас заминда ҳаж ибодатини бажариб юрган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин адо этиш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган қулай имкониятлар Сизнинг ўз халқингизга бўлган оталарча ғамхўрлигингиз намунасидир.

Мустақиллик йилларида миллий ва диний қадриятларга, бағрикенглик тамойилларига кўрсатилган алоҳида эътибор ва эҳтиромингиз туфайли юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қадамжолари обод қилиниб, уларга янгича салобат бахш этилиши, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ва хайрли ишлар халқимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тўйини катта тантана билан нишонладик. Истиқлол шодиёналари ва Рамазон ҳайити айёмларининг қўшалоқ келиши ҳам юртимизга ёғилаётган хайр-баракa ва эртанги кунга ишонч ифодасидир.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби табаррук ерларда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни ҳамиша ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

**Ўзбекистон ҳожилари номидан муфтий Усмонхон АЛИМОВ.**

Макка шаҳри, Арафот водийси, 2011 йил 5 ноябрь

***Ёшлар тарбиясида, аҳоли орасида ўзаро меҳр-оқибатнинг янада мустаҳкамланишида азалий қадриятларимизнинг улуғланиши юксак аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, истиқлол туфайли Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг қайта тикланиши фикримиз исботидир. Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу файзли, шукуҳли айёмлар ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинаяпти.***

# ЭЗГУЛИК, САХОВАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Президентимизнинг шу йил 31 октябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорида ҳам мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ҳамда жамоат ташкилотларига Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилган эди. Шунга мувофиқ, байрам кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хайр-саховат ишлари янада жонланди.

### Қадрият

Бухоро вилояти, Жондор туманининг "Лоло" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Асбобсоз аҳоли пунктида яшовчи Муаззам Ибодова табаррук юз ёшдан ошган онахонлардан бири. Ҳайит куни у кишининг хонадони қўни-қўшнилар, қариндошлар билан гавжум бўлди. Айниқса, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими фаолларининг совға-салом билан кириб келиши онахонни беҳад тўлқинлантириб юборди.

— Шундай фаровон кунларга етказганига шукр, — дейди онахон қўлини дуога очаркан. — Мустақиллигимиз абадий бўлсин. Ҳар бир кунимиз байрамдек ўтсин. Юртбошимиз ҳам юз билан юзлашиб юрсинлар.

Ҳайит куни вилоятда яшовчи юз ёшдан ошган инсонлар, шунингдек, ногирон, ёлғизлар, боқувчисини йўқотганлар ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари ҳимматидан баҳраманд бўлдилар. Чунончи, биргина "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари орқали юз ёшдан ошган қирқ нафар кишига 1 миллион 600 минг сўмлик совғалар улашилди, эҳтиёжманд фуқароларга 1 миллион 753 минг сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди.

Халқимиз байрамларни ораста уйда нишонлашга одатланган. Шу боис самарқандликлар Қурбон ҳайити муносабати билан ҳудуддаги 40 та муқаддас қадамжо, 19 та тарихий обидада ободонлаштириш ишларини олиб боришди. Эҳтиёжманд инсонларга, Меҳрибонлик, Саховат уйларига совғалар улашилди.

Қутлуғ айём кунларида янада саранжом-саришта ҳолатга келтирилган кўчалар, маҳалла гузарлари қалби байрам сурурига тўла кишилар билан гавжумлашди. Жойларда турли маънавий-маърифий ва хайрия тадбирлари ташкил этилди. Жумладан, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар, маҳалла фаоллари ўз ҳудудларидаги кексалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар хонадонига совға-саломлар билан ташриф буюриб, уларга хушкайфият улашдилар.

— Байрам кунлари кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар ва ёлғиз қарияларнинг 41 минг нафардан зиёди хайр-саховат тадбирларига қамраб олинди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Наманган вилояти бўлими раисининг ўринбосари Р. Умаров. — Уларга туҳфа этилган совғалар хонадонларга байрам кайфиятини олиб кирди. Умуман, вилоятимиз бўйича кўрсатилган моддий ёрдам 337 миллион сўмликдан ортди.

— Мустақиллик туфайли динимиз, қадриятларимиз қадр топди, виждон эркинлигига кенг йўл очиб берилди, — дейди Қарши шаҳрилик Ўрин Нуриддинов. — Албатта, бу эзгу анъаналаримиз бардавомлиги, хайрли ишларимиз боқийлигидан далолатдир. Аввало, бугун ҳар бир юртдошимиз қалбида шундай дориламон кунларга етказгани учун шукроналик туйғуси жўш урмоқда.

Президентимизнинг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Қашқадарёдаги барча қишлоқ ва маҳалла гузарларида катта байрам сайиллари уюштирилди. Ҳомийлар ва саховатпеша инсонлар томонидан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар ва ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олинди. Уларга 18 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни пайтда байрам шукуҳи хонадонларга файзу барака, меҳр-оқибат, хурсандчилик олиб кираётгани юртдошларимизнинг шодон чеҳралари, кўтаринки кайфиятида яққол акс этиб турибди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Сайёҳлик:

# САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

***Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазма мажмуасида "Ипак йўлидаги туризм — 2011" XVII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Франция, Чехия, Испания, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Италия, Латвия, Россия, Таиланд, Хитой каби 30 дан ортиқ мамлакатдан юзга яқин фирма ва компанияларнинг 500 дан зиёд вакиллари иштирок этди.***



### Халқаро ярмарка

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган, ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари, табиати билан сайёҳларни тобора ўзига жалб этаётган Ўзбекистон ҳам истиқлол туфайли ушбу халқаро сайёҳлик бозорининг муҳим вакилига айланди. Юртбошимиз раҳнамолигида мазкур тизим ривожи учун ҳам моддий, ҳам маънавий эътибор кучайтирилди. Туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида 1992 йил 27 июлда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилди. Мамлакатимиз 1993 йилда Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлди. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар соҳа тараққиёти учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Юртимизда замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати яхшиланиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунда 300 га яқин меҳмонхона ва 450 дан ортиқ сайёҳлик операторлари самарали фаолият юритмоқда. Мамлакатимиздаги 5 та олий ўқув юрти ва 7 та касб-ҳунар коллежида эса соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаяпти. Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультети мавжуд.

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтириш, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган "Ипак йўлидаги туризм — 2011" халқаро ярмаркаси иштирокчилари эришилган ана шундай улкан ютуқлар, соҳага доир бой тажрибалар билан яқиндан танишдилар. Эътиборлиси, ушбу нуфузли тадбир сайёҳлик соҳасининг янги йўналишлари намойиш этилгани билан аввалгиларидан алоҳида ажралиб турди.

Хусусан, ярмарка доирасида ташкил қилинган "Миллий таомлар фестивали" ҳамда "Шарқ бозори" экспозициялари иштирокчиларга манзур бўлди. "Ҳунармандлар шаҳри" бўлимидаги моҳир усталар томонидан ишланган миллий ҳунармандчилик намуналари эса томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, илк бор ярмарка дастурига киритилган "Буюк Ипак йўли" очиқ сайёҳлик фототанлови ва "Ўзбекистоннинг энг яхши гиди" танлови ҳам бўлиб ўтди. "Йил кашфиёти", "Йилнинг энг яхши сураткаши" ва "Йил фотоси" йўналишларида ташкил этилган мазкур ижодий беллашувда Ҳусниддин Атоев, Анвар Ҳожиниёзов, Светлана Астахова, Эрнест Куртвелиев каби сураткашлар ғолиб деб топилди.

Мухтасар айтганда, ушбу ярмарка нафақат юртимиз сайёҳлик салоҳиятини дунёга намойиш этишга, балки мамлакатимизда туризм соҳаси ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга ҳам хизмат қилади. Зеро, сайёҳлик тараққиёти юрт равнақини таъминловчи муҳим омилдир.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ҚИШГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

## мавсумнинг талаб даражасида ўтказилишида муҳим роль ўйнайди

***— Оролбўйи минтақасининг иқлими ўзгарувчан, шу боис баъзи йиллари қиш қаҳратони забтига олиб, ҳарорат ҳатто 32-34 даражагача пасайиб кетади, — дейди "Коммунал иссиқлик маркази" очиқ акциядорлик жамияти раиси Нурғали Боксебаев. — Шуни ҳисобга олиб, мутахассисларимиз қишга тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юборишган. Президентимизнинг шу йил 11 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011/2012 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.***

Мазкур жамият тасаррруфида 63 та қозонхона бўлиб, улар орқали 221 истеъмолчи, шу жумладан, 85 та кўп қаватли тураржой, 39 та мактаб, 7 та болалар боғчаси, 14 та касб-ҳунар коллежи ва лицей, 18 та шифохона ҳамда поликлиника, 2 та олий ўқув юрти, 39 та бюджет идораси ва 10 та хўжалик ҳисобидаги ташкилотга иссиқлик энергияси етказиб берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда корхона томонидан соҳада энергия тежовчи янги технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, Нукус шаҳридаги 31-мактаб қозонхонаси фаолияти тўхтатилиб, у "МК-1" қозонхонасига улангач, ўтган даврда бу ерда 3 миллион 480 минг сўмлик табиий газ, 108 минг 800 сўмлик сув, 994 минг сўмлик электр энергияси, 3 миллион 500 минг сўмлик иш ҳақи, жами 8 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди. Шунга ўхшаш янгиланишлар шаҳарнинг бир неча жойида йўлга қўйилиши натижасида эса жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 миллион 180 минг кубометр табиий газ, 178 минг киловатт электр энергияси, 50 минг 547 кубометр сув иқтисод қилинди.

### Қарор ва ижро

Дарҳақиқат, Президентимизнинг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 10 та шифохона, 3 та болалар боғчаси капитал, 20 та шифохона, 2 та мактаб ва 13 та болалар боғчаси жорий таъмирлангани, мактаб биноларида 1699 квадрат метр ҳажмдаги дераза ойналари алмаштирилгани шундан далолат беради.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳа муассасаларига айни пайтга қадар 2,8 минг тонна кўмир, 1,6 минг тонна суюқ ёқилғи етказиб берилди. Манзилли дастур асосида 80 та кўп қаватли уйда 2811,7 миллион сўмлик мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. Мавсумни беталафот ўтказиш мақсадида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида ташкил этилган 96 та марказлашган диспетчерлик хизмати алоқа воситалари, авария ҳолатларини тезкор бартараф этиш учун зарур моддий-техника ускуналари, асбоб-анжом захиралари билан тўлиқ таъминланди.

Беруний тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Озод Худойбергановнинг айтишича, мазкур ҳудуддаги мактабларда 414 тонна кўмир, 143,6 тонна суюқ ёқилғи ғамлаб қўйилган. 260 квадрат метр ҳажмдаги дераза ойналари эса янгиланди.

Бу борадаги ишлар Амударё туманида ҳам изчил давом эттирилаётгани эътиборга лойиқ. Хусусан, ҳозирги кунга қадар мавжуд мактаблар ва мактабгача тарбия масканларига 321 тонна кўмир келтирилган. Режага мувофиқ, иситиш тармоқлари тўла таъмирланиб, 5 та қозонхона мавсумга шай қилиб қўйилди.

Буларнинг бари қишнинг кўнгилдагидек ўтишига хизмат қилади, албатта.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

***Франция жанубида ёққан сурункали ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.***

### Тошқин талафотлари

Табиий офатдан, айниқса, Вар департаменти кўпроқ зарар кўрди. Дарёнинг ўзанидан тошиб чиқиши натижасида автомобиль йўлларини сув босган, минглаб тураржой бинолари электр таъминотидан узилиб қолган.

Италия шимолида ҳам худди шунга ўхшаш манзара кузатилмоқда. Хусусан, Турин, Генуя музофотлари ҳудудидан ўтувчи По дарёсида сув сатҳи бир метргача кўтарилган. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган, транспорт воситалари қатнови қисқартирилиб, олдиндан режалаштирилган турли тадбирларнинг ўтказилиш муддати ўзгартирилган.

### Бозордаги хунрезлик

***Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида бир вақтнинг ўзида учта портлаш амалга оширилди.***

Оқибатда саккиз киши ҳаётдан кўз юмган. Ўттиз нафарга яқин одам тан жароҳати олган. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, портлаш Шуржа туманидаги одам гавжум бўлган бозорда содир этилган. Қабиҳлик ким томонидан уюштирилгани аниқ эмас.

### Камдан-кам кузатиладиган ҳолат

***"NASA" мутахассислари ҳажми ярим километрга тенг келадиган астероид сайёрамизга яқин ҳудудда ҳаракатланаётганини билдиришди.***

Астероид қарийб тўрт кундан буён Ер атрофида, 300 минг километр узоқликда айланиб юрибди. Само жисмларининг бундай фазовий ўлчамда сайёрамизга яқинлашиши ўттиз йилда бир марта кузатиларкан.

### Портлашдан чиққан ёнғин

***Хитойнинг Цзилинь музофотидаги нефтни қайта ишлаш корхонасида юз берган портлаш натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмган, саккиз киши тан жароҳати олган.***

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига кўра, кўнгилсиз воқеа кучли ёнғинни келтириб чиқарган. Шу боис корхона атрофида яшовчи уч мингга яқин одам эвакуация қилинган. Ҳозирча портлаш сабаби номаълум.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●


ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)



**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1012R/227

«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси»га 2012 йил учун

**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**



***Ахборотнома саҳифаларида:***

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва хўжалик судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритилиб борилади.

Ахборотномага таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри 908 ва 909 индекслари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, 908 ва 909 индекслари бўйича обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида ҳамда «Тошкент почтамти» орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Манзил: 100097, Тошкент ш., Чўпонота к., 6-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: (8–371) 277–91–66, 277–96–60, 277–25–94.

1495R/1260

"ГАЗ" РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР

ТЕЛ.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail:
transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

TNK Transneftkomplekt

ООО "Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ" расмий дилери "Transneftkomplekt" ташкилоти



Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!

Буюртма асосида

1259Н/833


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси масъул ходим Л. Н. Сонга волидаи муҳтарамаси

**Раиса Васильевна НИГАЙнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриёт фахрийси

**Марат Маҳкамович ШАРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 759,0 ▼ -49,3




МОТОР МОЙИ М14 В2 1428,2 ▼ -2561,7




БЕНЗИН АИ-80 2229,2 ▼ -278,4




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2659,0 ▼ -556,5

# САРҲАД БИЛМАС САНЪАТ

***Хабарингиз бор, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида “ArtWeek Style.UZ — 2011” ҳафталиги доирасида замонавий санъат биенналеси ташкил этилди.***

Юртимизда олтинчи бор ўтказилган мазкур нуфузли тадбир баҳона санъат ихлосмандларини мамлакатимиз ва хориждаги бадиий ижод жараёнлари, янгиликлардан бохабар этиш, айниқса, ёшларимизнинг моҳир мусаввирлар маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлишлари учун имконият яратилди. Қолаверса, тадбир қатнашчилари хорижлик санъат усталарининг кўргазмага қўйилган асарлари орқали уларнинг турмуш тарзи, маданияти ва санъати билан танишдилар.

Биласиз, бугунги кунда санъат биенналелари жаҳондаги кўплаб мамлакатларда ўтказилмоқда. Масалан, Венеция биенналесида асосан, долзарб санъат намойиш этилса, Пекиндаги санъат анжумани воқелик йўналишидаги асарларга бағишлангани билан ажралиб туради. Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналесида эса миллий ва умуминсоний қадриятлар

**Таассурот**

тараннум этилган видео-арт, инсталляция, рангтасвир, ҳайкалтарошлик каби йўналишлар, умуман олганда, замонавий санъатнинг барча турлари қамраб олинади.

Аслида, халқаро миқёсдаги бундай тадбирлар санъат аҳлини ўзаро мулоқотга, ижодий ҳамкорликка чорлаши билан аҳамиятлидир. Биеннале иштирокчиси бўлган кўплаб ёшларимизнинг кейинги пайтда жаҳоннинг бир қатор давлатларида ўтказилаётган санъат тадбирларида муваффақиятли иштирок этиб, машҳур рассомларнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Мисол учун, бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларидаги халқаро кўргазмаларда ўз ижодий ишлари билан қатнашиб келаётган Д. Мамедова, Т. Раҳметов, Н. Шарифхўжаева, Ш. Ражанов сингари ёшларимиз Тошкент биенналесида кашф этилган ижодкорлардир.

Санъат анжуманида кўргазма учун танланган асарлар “Замонавий санъат: рассом ҳудуди ва жамият” мавзуини қамраб олган бўлиб, у томошабин маънавиятини бойитишга, қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришга хизмат қилди. Ўз навбатида, хорижлик рассомлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшалари, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳат давомида юртимиз тарихи, меъморчилик ва шаҳарсозлик маданияти, бебаҳо меросимиз, тинч ва фаровон ҳаётимиз ҳақида янада кенгроқ тасаввурга эга бўлдилар. Бу эса хорижлик рассомларни жаннатмонанд юртимиз жамоли ва бунёдкор халқимиз шижоатини тараннум этувчи гўзал асарлар яратишга илҳомлантиргани, шубҳасиз.

**Жалолиддин МИРТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари.**

# ИҚТИДОР ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

***Пойтахтимиздаги “Ёшлар ижод саройида” “Yangi intellekt” — энг яхши интеллектуал мулк объекти учун республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***



Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 2010 йилда муҳофазалаш ҳужжатларини олган интеллектуал мулк объектлари қатнашди.

Маълумки, XXI аср — интеллектуал билимлар асри, дея эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, бугунги кун тараққиётини инновациялар, фан-техниканинг илғор ютуқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда интеллектуал мулк тизими равнақини таъминлаш борасида мустаҳкам қонунчилик асослари яратилган. Хусусан, Конституциямизда илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлангани белгилаб қўйилган.

> ***«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.***
> ***Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».***
>
> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси.

“Yangi intellekt” — энг яхши интеллектуал мулк объекти учун танлови энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш орқали янги технологиялар ва товарлар яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш, саноат мулки соҳасидаги диққатга молик ютуқларни тарғиб қилиш, ушбу жабҳага инвестицияларни жалб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Танловга тақдим этилган ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан холис ва пухта ўрганиб чиқилиб, тўртта номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Шу тариқа Рустам Остонов, Эркин Остонов ва Михаил Гойзенштейн томонидан таклиф қилинган “Саноат корхоналари қувурларидан чиқаётган газлар ва чангли аралашмалардан фойдаланиш учун қурилма” ишланмаси “Йилнинг энг яхши ихтироси” йўналишида биринчи ўринга лойиқ топилди. Шунингдек, “Бузоқлар ва қўзичоқларнинг юқмайдиган касалликлари олдини олиш ва даволашга мўлжалланган комплекс препарат” ҳамда “Тўйинмаган полиэфирлар олиш усули” номли лойиҳалар иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди.

**Тадбир**

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти тадқиқотчилари томонидан яратилган “Сабзавот экинлари уруғини жўяк тубига бир вақтнинг ўзида устига плёнка ёпган ҳолда экадиган агрегат” номли ишланма “Йилнинг энг яхши модели” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. “Холстларда чуватишга яроқсиз пиллани қайта ишлаш қурилмаси” ва “Елка суягининг синган проксималь (пастки) қисмларини даволаш аппарати” номли ишлар муаллифлари ҳам ушбу йўналишда совриндорлар қаторидан жой олишди.

Фазлиддин Ҳайдаров, Маҳаматрасул Эргашев, Равил Исяновнинг “Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркибининг салоҳиятини баҳолаш дастури” иши “Йилнинг энг яхши ЭҲМ дастури ва маълумотлар базаси” йўналишида биринчи бўлди. “Электр энергиясини тақсимлашни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими” ҳамда “Биотехнология ва уни қоракўлчиликда қўллаш” ишлари ҳам эътирофга сазовор бўлди.

Шунингдек, танловда “Энг яхши товар белгилари учун” йўналишида ҳам ғолиблар номи эълон қилинди.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**

***Кеча Республика Ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида “Қандли диабет — XXI аср эпидемияси” мавзуида анжуман бўлиб ўтди.***

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Соҳа мутахассислари, эндокринолог олимлар, амалиётчи шифокорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида

**Анжуман**

амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлашди. Айниқса, сўнгги йилларда жойларда замонавий шифо масканлари фойдаланишга топширилиб, уларни энг сўнгги тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, амалиётга жаҳон тиббиёти ютуқларини кенг жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан “XXI асрнинг юқумли бўлмаган эпидемияси” деб тан олинган қандли диабет хасталигининг олдини олиш, уни даволаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли изланишлар ҳақида маълумот берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ноябрь ойи “Қандли диабетга қарши кураш ойлиги” деб эълон қилинган.

Ойлик давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саломатлик кунлари, учрашувлар, семинар-тренинглар, шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор тадбирлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# ОБ-ҲАВО

**(8 ноябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир, қор ёғиши мумкин. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик (ёмғир, қор) кузатилади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлади. Тунда ва кундузи 0-5 даража атрофида илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёмғир, қор ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда ва кундузи 0-2 даража ўртасида илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


• Реклама ва эълонлар •

Qishloq Qurilish Bank

*Барча тадбиркорлик субъектлари ҳамда сармоядорлар диққатига!*

**Молия бозоридаги мавжуд молия инструментлари турини кўпайтириш, таклиф этилаётган банк хизматлари доирасини кенгайтириш мақсадида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан юридик шахслар учун эмиссия ҳажми 20,0 млрд. сўмлик, номинал қиймати 10,0 млн. сўм, 50,0 млн. сўм ва 100,0 млн. сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилганлигини маълум қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, юридик шахсларнинг тижорат банклари қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга маблағлар жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари беш йил муддатга солиққа тортишдан озод қилинган.

Мавжуд имтиёзлардан унумли фойдаланинг ва даромадингизни оширинг!

Банкнинг депозит сертификатларини сотиб олиш истагидаги сармоядорлар банкнинг барча филиалларига мурожаат этишлари мумкин.

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-93-39, 150-39-93.
E-mail: info@qqb.uz www.qishloqqurilishbank.uz

*ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.*

1491R/510

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ номидаги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходим-изланувчи ва стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИ

05.13.01 — Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
05.18.12 — Озиқ-овқат саноати жараёнлари, машина ва агрегатлари

СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИ-ИЗЛАНУВЧИ

01.04.04 — Физик электроника
01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси
04.00.06 — Гидрогеология
04.00.11 — Рудали ва норудали конларнинг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш; металлогения
04.00.17 — Нефть ва газ конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш
05.02.01 — Машинасозлик материалшунослиги (тармоқлар бўйича)
05.03.05 — Босим билан ишлов бериш технологиялари ва машиналари
05.09.05 — Назарий электротехника
05.11.13 — Табиий муҳит, моддалар, материал ва буюмларни назорат қилиш асбоблари ва усуллари
05.13.01 — Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
05.13.07 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш
05.13.13 — Телекоммуникация тизимлари ва компьютер тармоқлари
05.14.02 — Электростанциялар ва электр энергетика тизимлари
05.14.10 — Гидроэлектростанциялар ва гидроэнергетик қурилмалар
05.15.01 — Маркшейдерия
05.15.06 — Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш
05.17.04 — Органик моддалар технологияси
05.17.08 — Кимё технологияси жараёнлари ва аппаратлари
05.17.21 — Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва аппаратлари
05.18.12 — Озиқ-овқат саноати жараёнлари, машина ва агрегатлари
05.20.03 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш
05.21.03 — Целлюлоза ва целлюлозали маҳсулотларнинг кимёси ва технологияси
08.00.01 — Иқтисодий назария
08.00.03 — Индустриал тармоқлар иқтисодиёти
08.00.13 — Менежмент ва маркетинг
09.00.03 — Фалсафа тарихи
11.00.11 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш
13.00.01 — Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи
17.00.06 — Техника эстетикаси ва дизайн

*Катта илмий ходим-изланувчи ва стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка кирувчилардан ариза ва ҳужжатлар 2011 йил 15 ноябргача қабул қилинади.*

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУнинг бош биноси, 413-хона. Телефон: (8-371) 227-19-47. Ички телефон: 236.

1490R/1270

ГРУППА ГАЗ

РАСМИЙ ДИЛЕР «SARDOR AVTO INVEST»ДАН

«ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС» АВТОМОБИЛЛАРИ



ГАЗ-32213 «Газель Бизнес» Микроавтобус 15 ўриндиққача, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4х2, 4х4. Янгилик!



ГАЗ-2705 «Газель Бизнес» Яхлит металл қуймали фургон, 3, 7 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4х2, 4х4. Янгилик!



ГАЗ-3302 «Газель Бизнес» Тентли юк машинаси, 3, 6 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4х2, 4х4. Янгилик!



ГАЗ-330200 «Газель Бизнес» Саноат, озиқ-овқат моллари учун изотермик фургон, 3 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. Янгилик!

«ГАЗ» АВТОСАЛОНИ

Тошкент ш., Сергели тумани, Янгисергели кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-01-81. Веб-сайт: WWW.SARDOR.AVTO.UZ

35R/1060 МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.





КЎМИР (БПК) 40,3 ▲ +0,4




ШИФЕР (1 лист) 15484 ▲ +176




ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +18,4


Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5